«18» 01 2022 й.

# ОБУНА ШАРТНОМАСИ № 15

**Кармана тумани**

**"Кармана овози" газетаси таҳририяти МЧЖ** (кейинги ўринларда «**Таъминотчи»** деб юритилади) номидан **Низом** асосида фаолият юритувчи муҳаррир А.**Жўраев** иккинчи томондан Кармана тум. Бешборот-кутубхона маркази (кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритилади)____________ асосида фаолият юритувчи раҳбар номидан Д.Ислонова Ф. ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузди лар:

## I-ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 "**Таъминотчи**" "**Буюртмачи**"нинг буюртмасига асосан "Кармана овози" газетаси нашрларига обуна қабул қилади.

1.2 "**Буюртмачи**" "**Таъминотчи**"га обуна нашрлари учун ўз вақтида тўловларни амалга оширади.

1.3 "**Таъминотчи**" ва "**Буюртмачи**" учун товарларнинг (номи, маркаси, артикули)

| т/р | Товар номи | Ўлчов (бирлиги) | Ҳажми (миқдори) | Бир нусха нархи (йиллик) | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **"Кармана овози" газетаси** | **дона** | 1 йил | **140 000** | |
| **Жами** | | 2 | 6 ой | 70.000. | 210.000. |

**Сумма:** 210.000 (Икки юз ўн минг) сўм ____________ **сўм**

## II-ТАРАФЛАРНИ МАЖБУРИЯТИ

2.1 "**Таъминотчи**" "**Буюртмачи**"нинг обуна бўлган нашрларини 2022 йил давомида "**Буюртмачи**"нинг манзилига етказиб бериб бориш мажбуриятини олади.

2.2 "**Буюртмачи**" етказилган матбуот нашрларини ўз вақтида қабул қилади ва нашрлар сони бўйича ҳисобот юритади.

2.3. "**Таъминотчи**" обуна нашрларини чиқмай қолиши натижасида етказиб берилмаган нашрлар учун "**Буюртмачи**"нинг хоҳишига кўра етказиб берилмаган нашрлар қиймати (суммасини) "**Буюртмачи**"га қайтаришни кафолатлайди.

2.4. "**Буюртмачи**" олинмаган, етиб бормаган газеталарни олдинги сонини олмасдан кейинги сонини олган тақдирда _3_кун муддат ичида телефон орқали ёки ёзма равишда "**Таъминотчи**"га хабар беради. "**Таъминотчи**" етказиб берилмаган газеталарнинг ўша сонини топиб беришни ёки қийматини (суммасини) тўлаб беришни кафолатлайди. Агар "**Буюртмачи**" белгиланган муддатда олинмаган нашрлар тўғрисида "**Таъминотчи**"га маълумот тақдим этмаса, "**Таъминотчи**" йўқолган нашрларни топиб бериш ёки тўлаб бериш мажбуриятини олмайди.

## III - ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1.Мазкур шартноманинг умумий суммаси 210.000 (Икки юз ўн минг) сўм ____________ сўмни ташкил этиб, ҳар бир нашр учун сўмда ҳақ тўланади. **(сумма сўз билан ёзилади)**

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоб пулни кўчириш йўли билан олдиндан 100 % маблағни тўлаш орқали амалга оширилади.

## IV. ТАРАФЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. "**Таъминотчи**" газеталарни "**Буюртмачи**"га ўз вақтида етказиб берилишини таъминламаган тақдирда етказиб берилмаган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган даврий нашрлар қийматининг 0,4 % и миқдорида жарима тўлайди.

4.2. "**Буюртмачи**" тўловни кечикитирганлиги учун "**Таъминотчи**"га ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % и миқдорида жарима тўлайди.

4.3.Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## V. ФОРС-МАЖОР ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

5.1.Томонларнинг хоҳиш истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (ноқулай об-ҳаво, зилзила сув тошқини ва табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган)лиги шартнома шартларини бузган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

## VI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Шартнома иккала томон орқали имзоланиб Навоий вилояти, Кармана тумани Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 01 майгачагача ўз кучини сақлаб қолади.

## VII. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан фақат суднинг қарори орқали бекор қилиниши мумкин.

Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади. Таклиф олингандан _30_кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим қилиши мумкин.

7.2.Тарафлар ўзларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида бир-бирларини 10 кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.

7.3.Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқийдир.

7.4.Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхада берилади.

7.5.Шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

## VIII ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

**"ТАЪМИНОТЧИ"**

**"Кармана овози" газетаси таҳририяти МЧЖ**
**Кармана т.Мустақиллик 36.**
**Х/р: 20210000500424752001**
**"Микрокредитбанк" Кармана филиали**
**МФО: 00211, ИНН: 200035433**
**ОКОНХ: 87100 тел:факс: 79 5323690, 934391872**

**Муҳаррир** ____________ **А.Жўраев**

**"БУЮРТМАЧИ"**

Кармана тум. Бешборот-кутубхона маркази
4001228601223440821021 34001.
Марказий банк. Тошкент
Мфо 00014 ИНН 206699709
Кармана тум. Ғазначилик бўлинмаси х/р 23402000300100004010. ИНН 201122019

Дир. Д.Ислонова

юрист: М.Рўзиева